

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ
БОШҚАРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ХУЗУРИДАГИ СОЛИҚ, ВАЛЮТАГА ОИД ЖИНОЯТЛАРГА ВА
ЖИНОИЙ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ
КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

530 Биржа аъзолари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2038-1*

(2011 йил 8 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 43-сон, 451-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси ва Бош прокуратура хузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2009 йил 13 октябрдаги 01/19-18/24-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 43-сонли қарорлари билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 6 ноябрда 2038-сон билан рўйхатга олинган «Биржа аъзолари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари»га (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 46-сон, 501-модда) иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Давлат мулкини бошқариш
давлат қўмитасининг раиси в.б.**

А. АБДУХАКИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 26 ноябрь,
01/19-18/12-сон

**Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ,
валютага оид жиноятларга ва жиноий
даромадларни легаллаштиришга қарши
курашиш департаменти бошлиғи**

З. ДЎСАНОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 26 ноябрь,
33-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат мулкни бошқариш давлат
қўмитаси ва Бош прокуратура ҳузуридаги
Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий
даромадларни легаллаштиришга қарши
курашиш департаментининг 2010 йил
26 ноябрдаги 01/19-18/12, 33-сон
қарорига
ИЛОВА

**Биржа аъзолари учун жиноий фаолиятдан олинган
даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни
молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат
қоидаларига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар**

1. 13-бандда:

қўйидаги мазмундаги тўртинчи — олтинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«мижозлардан иш муносабатларининг мақсади ва кўзланган хусусияти, шунингдек зарур ҳолларда пул маблағларининг келиб чиқиш манбаи тўғрисида сўраш;

мижозни лозим даражада текшириш материалларига қўшиб қўйиладиган яққол иқтисодий моҳиятга эга бўлмаган, мижознинг таъсис ҳужжатларида ёки давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномасида назарда тутилган мақсад ва фаолият турларига тўғри келмайдиган барча операциялар бўйича лозим даражада текшириш натижалари ва хулосаларини ёзма равишда қайд этиш;

идентификациялашни яқунлаш имкони бўлмаганда ёки мижозни тегишли тарзда текшириш натижаларига кўра, у билан иш муносабатларини ўрнатиш мақсадга мувофиқ эмас деб топилган тақдирда мижоз билан битим тузишни рад этиш;».

тўртинчи — еттинчи хатбошлари тегишлича еттинчи — ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

2. Қўйидаги мазмундаги 13¹-банд билан тўлдирилсин:

«13¹. Операциялар тўғрисидаги маълумотлар зарурат туғилган тақдирда операция тафсилотларини қайта тиклаш мумкин бўлган тарзда расмийлаштирилиши лозим.».

3. 14-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14. Ходимларнинг сўнгги янгиликларга, жумладан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг ва терроризмни молиялаштиришнинг замонавий усуллари, услублари ва йўналишлари ҳақидаги ахборотга эга бўлишларини таъминлаш ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш борасидаги қонун ҳужжатлари ва мажбуриятларнинг барча жиҳатларини аниқ тушунтириб бериш мақсадида биржа аъзоларининг масъул шахсларини ўқитиш ва малакасини ошириш Департамент ва Давлат мулки қўмитаси билан келишилган ўқув дастурлари бўйича амалга оширилади.»

4. 16-бандда:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«иш муносабатларини ўрнатишда;»;

иккинчи ва учинчи хатбошилар тегишлича учинчи ва тўртинчи хатбошилар ҳисоблансин.

5. 22-банднинг биринчи хатбошисида «ҳақлидир» деган сўзи «мажбурдир» деган сўз билан алмаштирилсин.

6. 23-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Мижозни лозим даражада текшириш ва идентификациялаш натижасида олинган маълумотлар ҳар йили янгиланиши зарур».

7. 30-бандда:

қуйидаги мазмундаги ўн бешинчи — ўн еттинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«идентификациялашни яқунлашнинг имкони бўлмаслиги ёки лозим даражада текшириш натижаларига кўра, фойдаланувчи билан амалий иш муносабатларини ўрнатиш мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатиб турадиган маълумотларнинг олинishi;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк эгалари ўзгармайдиган, бироқ биржа савдоларининг мазкур иштирокчилари фаоллиги тўғрисида тасаввур ҳосил қиладиган битимларни тузиш;

биржа савдолари қоидаларида белгиланган нархлар билан биржа савдоларида манипуляция қилиш ҳолларининг мавжудлиги;».

ўн бешинчи хатбошиси тегишлича ўн саккизинчи хатбошиси деб ҳисоблансин.

8. 37-банд «мижозларни лозим даражада текшириш бўйича идентификациялаш материалларини ва маълумотларини» деган сўзлардан кейин «шу жумладан иш ёзишмаларини» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

9. Қуйидаги мазмундаги 39¹-банд билан тўлдирилсин:

«39¹. Мазкур Қоидалар, шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича бошқа ҳужжатлар биржа аъзолари ва биржанинг барча ходимларига етказилиши лозим.»

10. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси, Республика универсал агросаноат биржаси, Респуб-

лика кўчмас мулк биржаси, Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази билан келишилган.

*Товар-хом ашё биржаси
Бошқаруви раиси*

Т. ТОХТАБАЕВ

2010 йил 25 ноябрь

*Республика универсал агросаноат
биржаси Бош директори*

Т. ВАЛИТОВ

2010 йил 25 ноябрь

*Республика кўчмас мулк
биржаси Бошқаруви раиси*

З. ШАМШИЕВ

2010 йил 25 ноябрь

*Тошкент шаҳар муниципал
биржа маркази директори*

Р. ФАЙЗИЕВ

2010 йил 25 ноябрь